

УДК 811.581:81'01 :81'367.626:81'367.626.1

## ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИДА КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ



**Саида Тошмухаммедовна МУСТАФАЕВА**  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўқитувчи

Хитой тили ва адабиёти кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Тошкент, Ўзбекистон

[mustafaeva.samida@gmail.com](mailto:mustafaeva.samida@gmail.com)

### Аннотация

Олмош туркуми тилда ўзига хос ўрин тутди. Хорижий тилни пухта эгаллаш, қолверса, у тилда сўзлашувчи миллат маданиятини англашда олмошлар эволюциясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Кишилик олмошлари тадқиқига бағишланган мазкур мақолада қадимги хитой тилида мавжуд кишилик олмошларининг лексик-семантик, функционал ва стилистик хусусиятлари Минг даврида яратилган “Уч шоҳлик” романи асосида таҳлил қилинган. Олмошлар статистикасига оид хулосалар ҳам баён қилинган.

**Калит сўзлар:** олмош; этимология; стилистика; қўлланиш частотаси; роман; иероглиф; графема; талаффуз.

## ЛИЧНЫЕ МЕСТОИМЕНЕНИЯ В ДРЕВНЕКИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ

**Саида Тошмухаммедовна МУСТАФАЕВА**

старший преподаватель

доктор философии по филологическим наукам

кафедра китайского языка и литературы

Ташкентский государственный институт востоковедения

Ташкент, Узбекистан

[mustafaeva.samida@gmail.com](mailto:mustafaeva.samida@gmail.com)

### Аннотация

Местоимение занимает особое место на языке. Всесторонний анализ и исследование эволюции местоимений имеет важное значение для глубокого понимания иностранного языка, в частности понимания культуры народа, который является носителем данного языка. В статье анализировались лексико-семантические, функциональные и стилистические особенности древних китайских личных местоимений на основе романа «Троецарствие». Имеются также выводы, основанные на статистическом анализе личных местоимений древнекитайского языка.

**Ключевые слова:** местоимение; этимология; стилистика; частота употребления; роман; иероглиф; графема; произношение.

## PERSONAL PRONOUNS IN ANCIENT CHINESE

Samida Toshmukhammedovna MUSTAFAEVA

Senior Lecturer

Department of Chinese Language and Literature

Tashkent State Institute of Oriental Studies

PhD in philology

Tashkent, Uzbekistan

[mustafaeva.samida@gmail.com](mailto:mustafaeva.samida@gmail.com)

### Abstract

The pronoun has a special importance in the language. A comprehensive analysis and study of the evolution of pronouns is important for a deep understanding of a foreign language, in particular, an understanding of the culture of people who are native speakers of a given language. The article on personal pronouns analyzed lexical-semantic, functional and stylistic features of ancient Chinese personal pronouns based on the novel "Three Kingdoms". It contains some conclusions, statistics-based analyses of the personal pronouns of the ancient Chinese.

**Keywords:** pronoun; etymology; style; frequency of use; novel; hieroglyph; grapheme; pronunciation.

Кишилик олмошлари тилда ўзига хос ўрин тутди, улар бир қанча стилистик вазифалар билан бирга миллат маданияти, ижтимоий муносабатларни ҳам ўзида акс эттириши жиҳатидан алоҳида эътиборга молик.

Хитой тилида, хусусан, қадимги хитой тилидаги кишилик олмошлари миқдори бугунги хитой тилидагидан анча фарқ қилади, улар ҳатто синонимик қатор ҳам ҳосил қилган. Бироқ, қадимги хитой тилида муомалада бўлган кишилик олмошлари стилистик, семантик ва ареал хусусиятларига кўра ўзаро фарқланган.

Мазкур мақолада "Уч шоҳлик" (《三国演义》) романида қўлланган кишилик олмошлари юзасидан кичик тадқиқот ишини амалга ошириш мақсад қилиб олинган. Асар Минг сулоласи (1368–1644 йй.) даврида ёзилган бўлса-да, тарихий роман ҳисобланганлиги ва тарихий қайднома "Уч шоҳлик тарихи" (《三国志》) асосида яратилганлиги боис асарда қўлланган кишилик олмошлари Минг давригача ҳам муомалада бўлган олмошлар саналади. Асарда учраган кишилик олмошларини таҳлил қилиш хитой тилида олмошлар эволюцияси юзасидан ҳам тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Асарда 我wǒ · 吾 wú, 某mǒu, 朕zhèn, 孤gū, 俺ǎn · 偶ǒu сўзлари биринчи шахс кишилик олмошлари сифатида қўлланган. Кишилик олмошлари орасида “我wǒ” олмоши энг қадимий ҳисобланади. Хитойдаги энг қадимги ёзма

ёдгорликлар 甲骨文, яъни тошбақа косалари ва хайвон суякларига битилган ёзувлардаёқ ушбу иероглифнинг қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин, аммо у дастлаб график жиҳатдан ҳарбий қурол 戈 gē “найза” иероглифига монанд ёзилган. Сюй Шэннинг 《说文解字》 луғатида “我 wǒ” сўзига қуйидагича таъриф берилган: “我 иероглифи, “қадимги 杀 “ўлдирмоқ; қатл этмоқ” иероглифи ҳамдир”(1, 90). Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 我 wǒ иероглифи ҳарбий қуролга алоқадор, ўзлашма туркум иероглифлар сирасига киради. Биринчи шахс кишилиқ олмоши маъносини ўзлаштирач 3–4 минг йил тараққиёт жараёнида бўлгандан кейингина, ниҳоят, кишилиқ олмоши маъносида тил лексикасига сингган. Кейинчалиқ ўзининг туб маъносини йўқотган. 我 wǒнинг биринчи шахс кишилиқ олмоши маъноси дастлаб кучли бўлмаган, Шимол-жануб сулолалари (420–589 йй.) даврига келиб биринчи шахс кишилиқ олмоши – “мен” маъноси ушбу иероглифнинг устувор маъносига айланган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уч шоҳлик даври (220–280 йй.) 我 wǒ иероглифида “мен” маъноси такомилнинг илк босқичи бўлган. 我 wǒ каби 吾 wú сўзининг ҳам туб маъноси биринчи шахс кўрсатиш олмоши бўлмаган. “Хан сулоласи тарихи: Гуан У Ди даври” (后汉书·光武帝纪上) ҳамда “Гуанюнь” (广韵) асарларида қуйидаги таърифни топиш мумкин: “吾 · 御也” “吾 wú – уруш, ҳужум қилиш демакдир”. Шу боис биринчи шахс кишилиқ олмоши – 吾 wú “防御 fángyù, душманга зарба бериш, ҳужум қилиш” сўзидаги 吾 wú бўлагидан келиб чиққан. Баҳор ва куз (春秋) даврида маъно жиҳатдан тараққий этиб, ўша давр хань миллати умуммиллий тили лексикасига кириб келган. Яъян тилида 我 wǒ билан бир қаторда 吾 wú ҳам биринчи шахс кишилиқ олмошини ифодалай бошлаган. Илмий изланишлар шунини кўрсатадики, 吾 wú сўзи биринчи шахс кишилиқ олмоши вазифасида Ғарбий Жоу сулоласининг (мил.ав. 1046–771йй.) сўнгги даврида қўлланила бошлаган. Баҳор ва куз даврига келиб ўз такомилга етган мазкур лексеманинг Шарқий Цзин сулоласи даврида ёзма нутқда, хусусан, сиёсий матнларда қўлланиш даражаси жиҳатидан 我 wǒдан ошиб кетганлигини кўрсатади (2, 42–

45). Ҳисоб-китобларга кўра, “Уч шоҳлик” асарида 我wǒ –“мен” умумий ҳисобда 1409 марта, кўплик шакли 96 марта, 吾wú 2339 марта, шўу жумладан, кўплик шакли 55 марта қўлланган. Ҳар икки олмошнинг ҳам асардаги грамматик функцияси бир хил, гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида келади. 我wǒ ва 吾wúнинг синтактик функциялари деярли фарқланмайди, ҳатто тилшунослар уларнинг бир-бири ўрнида қўлланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни билдирадilar (3, 98). Бироқ, семантик ва функционал жиҳатдан қараганда, уларнинг фарқли жиҳатлари ҳам намоён бўлади. “Уч шоҳлик” романида Лью Бэй мувафакқият қозонишидан олдин ўзига нисбатан 我wǒ олмошини қўллайди, Цао Цаонинг нутқида ҳам шу ҳолат кузатилади. Асар бош қаҳрамонларининг барчаси халқ томонидан миллий қаҳрамон даражасига кўтарилгач, 吾wú олмошининг қўлланиш даражаси сезиларли даражада ошади. Кўриниб турибдики, ўша даврда 我wǒ ва 吾wú олмошлари шахснинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, маданиятини ҳам кўрсатган. Ўзидан мавқеи баланд ёки тенг бўлган суҳбатдош билан суҳбатда, унга нисбатан ҳурматни билдириш ва камтарлик нуқтаи назаридан 吾wú олмоши қўлланади. Қолган вазиятларда эса 我wǒнинг қўлланишига гувоҳ бўлиш мумкин.

俺ǎn олмоши “Уч шоҳлик” романида кам, умумий ҳисобда 10 марта қўлланилган. 俺ǎn шевада биринчи шахс кишилиқ олмошини ифодалайди. Манбаларга кўра Сунг сулоласи (960-1279 йй.) даврига келиб шаклланиган (2, 42–45). Юан (1206-1368 йй.) ва Минг (1368-1644 йй.) сулолалари даврига келиб мамлакат шимолида ёйилишни бошлаган. Юқоридаги таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, “Уч шоҳлик”да 俺ǎn олмошининг қўлланиши ўринли эмас. Аммо маълумки, роман Минг сулоласи даврида ёзилган, унинг муаллифи Луо Гуанжунг Шанси провинциясида туғилиб, ўша ерда фаолият олиб борган. Шу боисдан ёзувчи асарида ўша ҳудуд шевасига хос лексиканинг учраши табиий. 俺ǎn олмоши асарда биринчи шахс кишилиқ олмоши бирлик шаклини ҳам, кўплик шаклини ҳам ифодалаб келган. 俺ǎn олмошининг қўлланиши шевага хос лексика саналгани сабаб оғзаки нутқ хусусиятини кўрсатиш баробарида ҳиссий бўёқдорликка ҳам эгадир. Асар қаҳрамонларидан бири Жанг Фэй Лью Бэй

ҳақида гапира туриб, “我哥哥” wǒgēge “менинг акам” бирикмасини “俺哥哥” ǎn gēge тарзида баён қилади, бу ўринда “我哥哥” wǒ gēge эмас, айнан юқорида келтирилган бирикманинг қўлланиши улар ўртасидаги муносабатнинг жуда яқин эканлигини кўрсатади.

某 mǒu, 朕 zhèn, 孤 gū, 偶 ǒu олмошлари. Бу олмошларнинг асарда қўлланиш частотаси анча паст. Улар ҳам гапда эга, тўлдирувчи ва аниқловчи вазифаларида келган.

“Уч шоҳлик”да иккинчи шахс кишилиқ олмошлари бирлик шакли сифатида 你 nǐ, 汝 rǔ, 尔 ěr сўзлари қўлланган. Булар орасида қўлланиш частотаси энг юқориси 汝 rǔ олмоши ҳисобланади. Асарда у 1056 марта қўлланган. 你 nǐ 261 марта ва 尔 ěr 55 марта учрайди.

Люй Шусяннинг фикрига кўра, 你 nǐ қадимги хитой тилидаги 尔 ěr олмошининг шаклан ўзгарган варианты. Уларнинг талаффузи ҳам қадимда бири-бирига яқин бўлган, этимологик жиҳатдан бир сўздан келиб чиққан. Айрим тилшунослар 汝 rǔ олмошини 女 nǚ “аёл” иероглифидан келиб чиққан деган фикрни билдирадilar. Аммо, “Шуовэн”да: “女 nǚ, “аёл”, график жиҳатдан тасвирий туркум иероглифи ҳисобланади, ўқилиши 尼 nǐ ва 吕 lǚдан келиб олинган” дейиласа, 汝 rǔнинг изоҳи луғатда тамомила ўзгача: “汝 rǔ, Шандунг ўлкасидан ўтувчи дарё, график жиҳатдан “сув” ва “аёл” калитлари бирикувидан ҳосил бўлган, талаффузи 入 rù ҳамда 渚 zhǔ сўзларидан келиб олинган”(1, 54). 汝 rǔнинг кишилиқ олмоши маъноси ҳам аслида қадимги хитой тилида ўзлашган маъно ҳисобланади. Асарда қўлланган ушбу иккинчи шахс кишилиқ олмошларининг синтактик функциялари ҳозирги хитой тили кишилиқ олмошлариники билан бир бўлиб, улар гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи вазифаларида келган (5, 67).

Асарда учинчи шахс кишилиқ олмошлари сифатида 他 tā ва 彼 bǐ сўзлари қўлланган. 他 tā олмошининг этимологияси хусусида хитой тилшунослари Гао Мингкай, Ванг Ли, Люй Шусяннинг қарашлари бир хил. Мазкур кишилиқ олмоши Танг сулоласи (618–907 йй.) даврида шаклланиб, Сунг (960–1279 йй.) даврида тараққий этган. Аммо, Сянг Си бу олмош Олти сулола (420–589 йй.)

даврида муомалага кирганлигини эътироф этади. Асарда ҳам шу фикр исботини топади, чунки учинчи шахс кишилик олмоши сифатида 他tā аниқ бир шахсни эмас, умумлаштирган ҳолда “бошқалар, қолганлар” маъноларида ҳам келади.

彼bǐ эса “Шуовэн”да йўналишни ифодаловчи сўз сифатида эътироф этилган (1, 28). Унинг олмош маъноси кейинчалик орттирилган бўлиб, дастлаб, кўрсатиш олмоши сифатида, кейинчалик, Чунцью даврига келиб, кишилик олмоши вазифасида қўлланила бошлаган. Ҳар икки олмош ҳам гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи вазифаларида келган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, романда кишилик олмошлари сифатида қатор лексемалар қўлланган. Улар тилда шаклланиш даври, семантикаси, стилистик хусусиятлари, қўлланиш частотасига кўра фарқли саналса-да, синтактик вазифасига кўра деярли фарқланмайди. Сон жиҳатидан қаралганда, биринчи шахс кишилик олмоши – “мен” маъносини ифодаловчи олмошлар қадимги хитой тилида кўпчиликни ташкил қилади. График жиҳатдан аксарият кишилик олмошлари “ўзлаштирувчи туркум” иероглифларига киради. Қадимги хитой тилидаги кишилик олмошларининг аксарият қисми маъно кенгайиши ёки маъно кўчиши йўли билан шаклланган, фақатгина биринчи шахс кишилик олмошит 俺ǎn шевадан адабий тилга кирган лексика сифатида эътироф этилади.

Ҳозирги хитой тилида юқорида таҳлил қилинган олмошлардан жуда оз қисми муомалада бўлиб, уларда маъно торайиши кузатилади. Яъни ҳозирги хитой адабий тилида (путунхуада) биринчи шахс кишилик олмоши сифатида 我wǒ, иккинчи шахс кишилик олмоши – 你nǐ ҳамда учинчи шахс кишилик олмоши – 他tāнинг қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. 许慎. 说文解字. -北京：中华书局, 1963. Сюй Шэн. Ёзув тавсифи, иероглифлар изоҳи. – Пекин, 1963. –Б.65.
2. 陈翠珠. 汉语人称代词考论. 武汉：华中师范大学研究所, 2009. Чэн Цуйжу. Хитой тили кўрсатиш олмошлари тадқиқи. – Ухан: Марказий Хитой Педагогика университети тадқиқот маркази, 2009. –Б. 42–45.
3. 朱德熙. 语法讲义. -北京：商务印书馆, 2005. Жу Дэси. Хитой тили грамматикаси. – Пекин: Тижорат босмахонаси, 2005. –Б.98.
4. 罗贯中, 三国演义. -长沙：岳麓书社, 2001. Луо Гуанжунг. Уч шоҳлик. –Чангша: Юелу нашириети, 2001. 1086 б.
5. 王力. 汉语语法史. –北京：商务印书馆, 1989. Ванг Ли. Хитой тили грамматикаси тарихи. – Пекин: Тижорат босмахонаси, 1989. – 523 б.

#### REFERENCES

1. Xui Shen. Shuo wen jie zi, Beijing, 1963, p. 65.
2. ChenCuizhu. Hanyu rencheng daici kaolun. Wuhan: Huazhong shifan daxue yanjiusuo, 2009. pp. 42–45.
3. Zhu Dexi. Yufa jiangyi, Beijing, Shangwu yinshuguan, 2005, p. 98.
4. Luo Guanzhong. Sanguo yanyi, Changsha, Yuelu shushe, 2001, 1086 p.
5. Wang Li. Hanyu yufa shi, Beijing, Shangwu yinshuguan, 1989, 523 p.